

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
QARORI

293 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2012 йил 3 январдаги ЎРҚ–315-сон Қонуни)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2012 йил 3 январдаги ЎРҚ–315-сон Қонунини амалга ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ишлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 26 июнь,
183-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 26 июндаги 183-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 3-модда):

а) 6-бандда:

биринчи хатбошидаги «давлат статистика ҳисоботи шаклларини ва уларни тўлдириш бўйича йўриқномаларни тасдиқлаш» сўзлари «ягона статистика ме-

тодологиясини ва давлат статистика кузатувлари шакллари ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Қонун бузилишлари аниқланган ҳолларда айбдор шахсларни жиноий жавобгарликкача жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритилсин» сўзлари чиқариб ташлансин;

8-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Давлат статистика қўмитаси органларини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Давлат статистика ишлари дастурига киритилмаган статистика ишларига ҳақ тўлаш буюртмачи томонидан шартнома асосида амалга оширилади»;

13-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«13. Қонунга мувофиқ мансабдор шахсларга давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузганлиги учун солинадиган маъмурий жарималардан тушумлар ҳисобига шакллантириладиган Махсус жамғармани юритиш Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига берилсин»;

14-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари бошлиқларига фойдадан ва давлат статистика органлари ихтиёрида қоладиган бошқа тушумлардан давлат статистика органлари тизими ходимларининг юқори малакаси учун уларга ойлик лавозим маоши миқдоридан ортик бўлмаган миқдорда устама белгилаш учун фойдаланиш ҳуқуқи берилсин»;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

15-банднинг иккинчи хатбошига «шакллантиришда» сўздан кейин «давлат» сўзи қўшилсин;

16-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «Буюк ипак йўли кўчасидаги» сўзлари «Мустақиллик шоҳ кўчаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомда:

3-банддаги «давлат ҳокимияти ижро этувчи органи» сўзлари «давлат бошқаруви республика органи» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади»;

11 — 13-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

статистика соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, статистикани ташкил этишнинг самарали тизимини таъминлаш;

давлат статистикаси соҳасида фаолиятни мувофиқлаштириш ва функционал тартибга солиш;

халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шакллари ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш;

ижтимоий-иқтисодий ходисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш;

давлат органларини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, юридик шахсларни, давлат муассасаларини ва халқаро ташкилотларни, шунингдек жамоатчиликни статистика ахборотлари билан белгиланган тартибда таъминлаш;

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш, статистика ишларини ташкил этиш учун зарур бўлган иқтисодий-статистик классификаторлар тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва юритиш.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) давлат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлат статистикаси соҳасида фаолиятни мувофиқлаштириш ва функционал тартибга солиш борасида:

статистика маълумотлари фойдаланувчилари талабларини ўрганишни ҳисобга олган ҳолда истиқболли мақсадлар ва йўналишларни, давлат статистикасини ривожлантириш учун кадрлар билан ва молиявий таъминлашни белгилайди, Давлат статистика ишлари дастурини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади;

давлат статистикаси тамойилларига риоя этилишини ва халқаро стандартлар ва қоидаларга мувофиқ бўлган статистик методологиянинг ягоналигини таъминлайди;

давлат статистикасини ташкил этиш соҳасида амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади, статистика фаолияти масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда республика Ҳукумати ва тегишли органларга киритади;

бошқа давлатларнинг статистика органлари ва халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорлик тўғрисида белгиланган тартибда битимлар тузади;

б) халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шакллари ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш соҳасида:

давлат статистика кузатувлари шакллари ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва жорий этади, статистика кузатувларини олиб бориш усулларини белгилайди;

давлат статистикаси соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда қабул қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган идоровий статистика кузатувлари шакллари келишади;

статистика соҳасида тадқиқот ишларини ташкил этади ва амалга оширади;

статистика соҳасидаги чет эл тажрибасини жамият эҳтиёжларига мувофиқ ўрғанади, умумлаштиради ва оммалаштиради;

статистика ахборотлари тезкорлик билан узатилишини ва қайта ишланишини, давлат статистикаси ягона ахборот тизимининг республиканинг бошқа ахборот тизимлари билан мос келишини ва ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи янги ахборот-коммуникация ресурслари ва технологияларини давлат статистика органлари ишларига жорий этади;

барча даражалардаги статистика органлари кадрларининг малакаси оширилишини ва қайта тайёрланишини тизимли асосда таъминлайди;

в) статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш соҳасида:

Давлат статистика ишлари дастурининг бажарилишини таъминлайди;

мамлакатни, унинг минтақаларини, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан давлат статистика кузатувларини ташкил этади ва амалга оширади;

давлат статистика ҳисоботини, уй хўжалиklarини кузатишни, рўйхатдан ўтказишларни, бир марталик ҳисобга олишларни, сўровларни ва бошқа кузатувларни ташкил этади ва маълумотларнинг қоғоз ёки электрон кўринишда тўпланишини таъминлайди;

макроиқтисодий кўрсаткичларнинг статистик ҳисоб-китобларини амалга оширади ҳамда мамлакатдаги энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг дастлабки статистик таҳлилин оlib боради;

статистика ва ҳисобот кўрсаткичларининг тезкорлиги, ишончилиги ва холисоналигини, статистик ахборотларнинг қулайлиги, очиқ-ойдинлиги ва ошқоралигини кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминлайди;

статистика ишларини ташкил этишнинг статистик ахборотларини тўплаш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига давлат органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳар қандай аралашувини истисно қиладиган тизимини яратиш чора-тадбирларини амалга оширади;

олинган статистика маълумотларининг махфийлигини, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди;

статистика ахборот ресурсларининг хавфсизлигини ва давлат статистикаси ахборот-ҳисоблаш тизимининг рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилинишини таъминлайди;

респондентларни давлат статистика кузатувлари шаклларининг бланкалари билан ушбу мақсадлар учун республика бюджетидан ажратиладиган

маблағлар доирасида бепул таъминлайди, уларни тўлдиришга доир тушунтиришлар беради;

г) статистика ахборотлари билан белгиланган тартибда таъминлаш соҳасида:

чиқарилаётган маълумотлар методлари, тартиби ва сифатини такомиллаштириш асосида очиқ статистика ахборотларини тарқатади ва барча фойдаланувчиларга улардан фойдаланиш учун тенг шартларни таъминлайди;

статистика кузатувлари ва расмий статистика ахборотлари масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб боради;

шартнома шартлари бўйича, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда статистик, таҳлилий, ахборот, ноширлик хизматларини ва Давлат статистика ишлари дастуридагидан ташқари бошқа хизматларни кўрсатади;

д) Корхоналар ва ташкилотлар ҳамда иқтисодий-статистик классификаторларнинг ягона давлат реестрини юритиш соҳасида:

ягона таснифлар тизими асосида юридик шахсларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва идентификациялашни, Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистрининг ҳамда иқтисодий-статистик классификаторларнинг самарали фаолият кўрсатишини ҳамда ривожлантирилишини ва унинг Миллий ахборот тизимига интеграциялашувини таъминлайди;

статистика ишларини ташкил этиш учун зарур бўлган иқтисодий-статистика классификаторларини ишлаб чиқади ва юритади, уларнинг халқаро стандарт классификаторлари асосида мунтазам равишда қайта кўриб чиқишини амалга оширади;

қўшма ахборот тизимларини ва дастурий ресурсларни яратиш учун асос сифатида статистик классификаторлардан фойдаланишни таъминлайди;

статистик классификаторлар ва уларга киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисидаги ахборотларни фойдаланувчиларга белгиланган тартибда тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа функцияларни ҳам бажаради.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ўзига юкланган функцияларни амалга ошириш доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

статистика бўйича ягона сиёсатни олиб бориш соҳасида фаолиятни мувофиқлаштиришни ва функционал тартибга солишни амалга ошириш;

давлат статистика кузатувлари шаклларини, уларни бериш тартибини тасдиқлаш, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат статистика кузатувларини олиб бориш методларини белгилаш ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг идоравий статистика кузатувлари шаклларини келишиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда — уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) давлат статистика ҳисоботи олиш ҳамда ундан статистика мақсадларида фойдаланиш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан хусусий тадбиркор-

лар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини олиб бориш ва олинган маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, давлат ташкилотларидан давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни ишлаб чиқишнинг исталган босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;

юридик шахсларни ва хусусий тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлардан, шунингдек юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг регистрлари ва ахборот базаларини шакллантирувчи ва юритувчи давлат органлари ва уларнинг идоравий ташкилотларидан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини ҳамда иқтисодий-статистик классификаторларни юритиш ва фаоллаштириш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

давлат органлари, юридик шахслар, уларнинг ваколатхоналари ва филиалларининг, статистика маълумотларини тақдим этувчи хусусий тадбиркорларнинг бажариши мажбурий бўлган норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда қабул қилиш;

давлат статистика кузатувларининг методологияси ва ташкил этилиши, шунингдек расмий статистика ахборотлари билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини амалга ошириш;

статистика ахборотлари ва статистика маълумотларидан нотўғри фойдаланиш ва уларни талқин қилиш ҳолатларини кўриб чиқиш ҳамда улар бўйича тушунтиришлар бериш;

барча юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар томонидан давлат статистикаси соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини амалдаги қонунчиликка мувофиқ назорат қилиш;

олинаётган статистика маълумотларининг тўлиқлиги, ишончилиги ва холисоналигини экспертизадан ўтказиш;

давлат статистика маълумотларида бузилишлар аниқланган тақдирда уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ва йиғма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузаётган мансабдор шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ маъмурий чоралар кўриш;

давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларга солинадиган маъмурий жарималардан тушумлар ҳисобига Махсус жамғармани шакллантириш ва ундан белгиланган тартибда фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизимига кирадиган ташкилотларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таклифларни тайёрлаш ва киритиш, шунингдек ушбу ташкилотлар тўғрисидаги низомлар (уставлар)-ни тасдиқлаш, давлат статистика кузатувларини олиб бориш учун шартнома асосида юридик ва жисмоний шахсларни жалб этиш;

хўжалик шартномалари бўйича, тижорат асосида статистика, таҳлил,

ахборот-ҳисоблаш, ноширлик ва соҳа мавзуси бўйича бошқа ишларни олиб бориш;

статистика соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларини белгилаш, уларни ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси илмий муассасаларини, республика ва бошқа чет эл ташкилотларини, шунингдек мамлакатимизнинг ва чет эл етакчи мутахассисларини белгиланган тартибда жалб этиш;

халқаро статистика ва иқтисодиёт ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга ошириш, статистика масалалари бўйича, шу жумладан халқаро семинарлар ва кенгашларни ўтказиш ва уларнинг ишида қатнашиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади»;

17-бандда:

еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«амалга оширилган давлат статистика ишлари ҳажмларига мувофиқ молиявий ва моддий-техника ресурсларини тақсимлайди»;

саккизинчи хатбошига «буйруқлар чиқаради ва» сўзларидан кейин «қарорлар қабул қилади» сўзлари қўшилсин;

ўнинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ статистика соҳасида шартномалар тузади, ўзига юкланган вазифалар доирасида халқаро ва хорижий статистика ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга оширади»;

22-банднинг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан олинган фойда, амортизация ажратмалари, шунингдек бошқа тушумлар унинг ихтиёрида қолади ҳамда улардан давлат статистикасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш, ходимларнинг касб маҳоратини, ўз лавозим вазифаларини сифатли бажарганлигини, ижодий фаоллигини ва ташаббускорлигини рағбатлантириш учун белгиланган тартибда фойдаланилади»;

23-банддаги «ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Статистика ишларини бажариш давлат буюртмасига» сўзлари «ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастурига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Махсус жамғармаси тўғрисидаги низомда:

3-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Қўйидагилар:

давлат статистика органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

давлат статистика органлари мутахассисларининг малакасини ошириш; ходимларнинг касб маҳоратини оширишга ва юқори унумли меҳнат

қилишга интилишини кучайтириш орқали статистика маълумотлари ва ҳисобот кўрсаткичларининг тезкорлигини, ишончлилигини ва ҳолисоналигини таъминлашга кўмаклашиш Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси махсус жамғармасининг асосий мақсади ҳисобланади»;

4-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Махсус жамғарма қонунга мувофиқ мансабдор шахсларга давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузганлиги учун солинадиган жарималардан тушадиган маблағлардан шакллантирилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига 1-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) 27-бандининг «Шакллантириш манбаи» устуни қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузганлик учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ солинадиган жарималар суммаси».

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 26 июндаги 183-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзистикболстат» давлат қўмитасининг Махсус жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 16 февралдаги 74-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тўлов балансининг даромад қисми тўлик ва ўз вақтида тўлдирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 6 октябрдаги 424-сон қарорининг 1-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Статистика ва молия ҳисоботини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 25 июндаги 227-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 34-модда) 1-илонинг II бўлими ва қарорга 2-илова.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасида ҳисоботни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 сентябрдаги 409-сон қарори.